Ушбу сонда: 2 ЮРТИМИЗНИНГ СОДИҚ ЎҒЛОНЛАРИ 3 TV - ДАСТУРИ 4 ХАЁЛ ДАФТАРИДАГИ БИТИКЛАР

*Пировард мақсадимиз, истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этган ҳолда, халқимизга тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш ва ҳимоялаш, юксак маърифий-маданий салоҳиятга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари орасида ўз нуфузимизга эга бўлишдир. Бундай эзгу мақсадларга буюк келажакка интилган халқгина эришади.*


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 январ, шанба №8 (1022)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Қадрли дўстлар, азиз фарзандларим!*

*Аввало, юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз мустақиллиги, осмонимиз мусаффолигини кўз қорачиғидек асрашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, барча аскару сержант, офицер ва генералларни ҳамда фахрийларни умумхалқ байрами - Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Инсоният янги аср, янги минг йилликка қадам қўйди. Ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ушбу асрда дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини, ўз мавқеини эгаллашга интилиши табиий, албатта. Биз ҳам катта, ёруғ орзу-ниятлар билан янги минг йилликка кириб келдик.*

*Пировард мақсадимиз, истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этган ҳолда, халқимизга тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш ва ҳимоялаш, юксак маърифий-маданий салоҳиятга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари орасида ўз нуфузимизга эга бўлишдир. Бундай эзгу мақсадларга буюк келажакка интилган халқгина эришади.*

*Ушбу ниятларнинг рўёбга чиқиши учун биринчи навбатда Ватанимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш даркор. Чунки шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, эл-юрт тинчини бузишга уринадиган қора ниятли кучлар бизга таҳдид солиб турганини барчага аён бўлиши керак.*

*Юртимиз тинчлиги, бахтли келажагини асраш, уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифа сизларнинг зиммангизга юклатилган.*

*Тарихдан маълумки, юртимиз бошига оғир, синовли кунлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга қодир мард фарзандлари кўкрагини қалқон қилиб ёвга қарши чиққан.*

*Азиз фарзандларим!*

*Сизлар Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби довюрак, жасур, ватанпарвар буюк саркардаларнинг ворисисизлар. Уларнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, оналаримиз, опа-сингилларимиз, оиламиз бахт-саодатини, фарзандларимиз келажагини фидойилик билан ҳимоялашга даъват этади.*

*Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларида халқимиз олдидаги фарзандлик бурчини адо этаётган минглаб ботир ўғлонларимиз бу ҳақиқатни юракдан ҳис этиб, уни ўз ҳаётларининг маъно-мазмуни деб билишлари барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этади.*

*Ўтган йили чегара ҳудудларимизда террорчи тўдаларга қарши мардона жанг қилган, бу йўлда жонини ҳам фидо этган қаҳрамон ўғлонларимизнинг жасорати бунинг ёрқин далилидир.*

*Шундай мард ва иродали фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга чин юракдан раҳматлар айтишни ўзимнинг шу давлат раҳбари сифатида бурчим деб биламан.*

*Бугунги кунда дунёдаги халқаро аҳвол, минтақамиздаги нотинч вазият армиямиз олдига янги ва янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу Қуролли Кучларимизни тубдан ислоҳ этиш, барча зарур қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминланган, тезкор, жанговар қобилияти юқори, ихчам, юксак профессионал тайёргарликка эга бўлган армияни шакллантиришни тақозо этмоқда.*

*Бу ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда давлатимиз, халқимиз барча имкониятларни ишга солмоқда.*

*Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлган ҳарбийларимиз ғалаба қўшиннинг сони билан эмас, балки жангчининг мардлиги, ирода ва матонати, жанговар маҳорати билан қўлга киритилади, деган ҳикматни доимо ёдда тутишлари даркор.*

*Сизларни қутлуғ шодиёна билан яна бир бор табриклар эканман, ҳар бирингизни бағримга босиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жанговар фаолиятингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва омад тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## ТУҲФА

Самарқанд вилояти тармоқ касаба уюшмалари томонидан мурувват ўн кунлигида қатор болалар мактаб-интернатларига янги йил совғалари улашилди. Ўтказилган тадбирларда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши фаол иштирок этиб, 59-кўзи ожиз болалар махсус интернатига 308 минг сўмлик маблағ ўтказди.

Вилоят фан, таълим ходимлари касаба уюшма қўмитаси Пастдарғомдаги мактаб-интернатга 150 минг, вилоят алоқа ходимлари бирлашган кенгаши эса 63-махсус мактаб интернатга 50 минг сўмлик совғалар туҳфа этди.

**К.БОЙМУРОДОВА.**

*Бошланғич ташкилот иш тажрибасидан*

***Хўжалигимиз ерлари Самарқанд шаҳрига туташ. Қишлоқларимизда аҳоли зич. Уларнинг аксарияти деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласида тўғрисини айтганда бир неча йил қийинчиликларга дуч келдик. Собиқ раҳбарларнинг ижтимоий соҳага панжа орасидан қараши, жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги оқибатида меҳнаткашлар манфаати ҳимояси кутилган даражада эмасди.***

## МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Янги раис сайланаётган умумий йиғилишда касаба уюшма фаоллари жиддий танқидий фикрлар билдиришди. Бундан тегишли хулоса чиқарган янги раҳбар Шароф Отамуродов меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътиборни кучайтиришни бош мақсад қилиб қўйди. Аниқ ва пухта тадбирлар белгиланди. Шундан бери орадан уч йил вақт ўтди. Аҳвол тубдан ўзгарди, десам муболаға бўлмайди.

Дастлаб жамоа шартномасига ишловчи хотин-қизларнинг иш вақтини қисқартириш, камқон, сурункали касалликларга чалинганларни дори-дармон, қўшимча неъматлар билан таъминлаш, ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик таътилини хўжалик ҳисобидан узайтириш каби масалаларни киритдик. Шунингдек, зарарли шароитда ишловчиларни озиқ-овқат, махсус кийим, ҳимоя воситалари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Иш ҳақидан қарзлар тўлиқ узилди.

Шундан сўнг биз касаба уюшма қўмитаси мажлисларида долзарб масалаларни муҳокама қила бошладик. Шийпонлардаги аҳвол, спорт иншоотлари ва маданият муассасалари фаолияти, иш жойларида санитария-гигиена, дам олиш хоналаридаги шароит шулар жумласидан эди. Энг муҳими, касабақўм мажлисини хўжалик раҳбари ва мутасаддилар иштирокида ўтказиш одатга айланди. Бу раҳбарлар масъулиятини, меҳнаткашлар фаоллигини оширди.

Шундай йиғилишларнинг бири хўжалик чорвачилик фермасида иш ва дам олиш шароитининг аҳволи масаласига бағишланди. Олдин чорвадорлар фикрини ўргандик, махсус комиссия ишлади. Аҳвол атрофлича ўрганилиб хўжалик бошқарувига фермадаги ишларни яхшилаш бўйича аниқ таклифлар киритилди. Улар инобатга олиниб, чорвадорлар шароити яхшиланди.

Қисқаси, «Соғлом авлод йили»да белгиланган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига эришдик. Бу йил «Оналар ва болалар йили» муносабати билан айниқса, ёш болали аёлларга кўпроқ имтиёз белгилаш, жамоа шартномасига шунга мос ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифимиз қабул қилинди.

**Ҳ.АҲМЕДОВА,**
**Самарқанд туманидаги «Дўстлик» хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИГА - ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси билан изчил амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг янада самарали кечишида жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик ҳам муҳим омил саналади.

Шу ўринда Япония, Жанубий Корея, Осиё тараққиёт банки билан тузилган мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича имтиёзли кредит бериш ҳақидаги шартномалар эътиборга моликдир. Жумладан, куни-кеча Жанубий Кореядан жўнатилган 7 миллион 209 минг доллар миқдоридаги компьютер техникаси, компьютерлашган лингафон кабинетлари, умумий таълим, касбий фанлар, шунингдек, автомобилсозлик, радиоэлектроника, электротехника сингари фанлар бўйича жиҳозлар юртимизга етиб келди. Пойтахтимиз ва Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ташкил этилган билим даргоҳлари мазкур ускуналар билан тўлиқ жиҳозланади.

Йил охиригача Жанубий Кореядан 35 миллион долларлик жиҳоз келтирилади. Шуниси эътиборлики, ушбу техника воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида 240 нафар ўқитувчи, муҳандис-педагог, ўқув юрти раҳбарлари мазкур мамлакатда малака ҳам оширади.

## ОЛҒА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Бир пайтлар Олмалиқ маиший кимё заводида ишлаб чиқарилган сифати паст, кўримсиз маҳсулотлар кўпчиликнинг ёдида. Орадан унча кўп вақт ўтмасдан завод эгалари ўзгариб, бу ерда ишга янгича муносабат юзага келди. Завод «PALLADA VOSTOK» шўъба корхонасига айлантирилиб, Россия Федерациясидаги ҳамкорлар билан яхши муносабатлар ўрнатилди. Натижада бир йилда корхона 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

- Янги асрга, янги минг йилликка биз ажойиб кўрсаткичлар билан қадам қўйдик, - деб ҳикоя қилади «PALLADA VOSTOK» корхонасининг бош директори Искандар Рашидов. - Эндиликда ходимларимиз юқори сифатли санитария-гигиена, ювиш воситалари, чет элникидан қолишмайдиган тиш пасталари, кўплаб турдаги шампунлар ва бошқа кундалик эҳтиёж молларини ишлаб чиқармоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси маҳаллий хом ашёга асосланган. Корхона атиги бир йилда 38 хил янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бугунги кунда 300 кишилик меҳнат жамоасига эга корхонамизда яна 50 та янги иш ўрни ташкил этилди.

**(ЎзА).**

## ҚЎҚОН ТАМҒАСИ БИЛАН

«Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги асрда истеъмолчиларга янги маҳсулот турларини тортиқ қилди. Бу ерда жамиятнинг ўз сармояси ҳисобига жаҳон андозаларидаги ҳидсизлантириш ва қадоқлаш цехи ишга туширилди. Янги тармоқнинг ишга тушиши натижасида илгарилари техник мақсадларда ишлатиш учун жўнатиладиган ёғ маҳсулотларини истеъмол ёғига айлантириш имконияти яратилди. Бу йил давомида қўшимча равишда 4,5 минг тонна истеъмол ёғи ишлаб чиқариш имконини беради.

Тошкентдаги қадоқлаш ва ўраш тажриба конструкторлик бошқармаси томонидан тайёрланган замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари бир сменада 8 тоннадан зиёд чигит ва мева данакларидан олинган ёғни махсус идишларга қадоқлаётир. Янги цехнинг ишга тушиши туфайли қўшимча ўн икки иш ўрни очилди.

**(ЎзА).**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## «ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА...»

***Таҳририятимизга Жиззах шаҳар Зилол маҳалласи, 55-уйда яшовчи Усмон Ҳамроев имзоси билан шикоят хати келди. Ундан қуйидагиларни ойдинлаштириб олдик.***

***У.Ҳамроев бир неча йил Жиззах тиббиёт билим юртида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келган. Ўтган йилнинг 7 сентябрида меҳнат таътили сўраб, янги раҳбар И.Субҳонқуловга ариза берди. Директор 1 ноябргача рухсат этиб, унинг илтимосини қондирди. Бироқ ҳаётда кутилмаган ишлар бўлиб туради.***

Таътил пайтида У.Ҳамроев касалга чалиниб, 20 октябрдан 25 декабргача меҳнатга яроқсизлик варақаси очилади. Соғайиб билим юртига келса, ишдан бўшатилганлиги ҳақида 7 сентябрда чиқарилган буйруқни қўлига тутқазишади. Муайян вақт ноқонуний буйруқ сабабли овораи сарсон бўлган мутахассис газетадан адолатни қарор топтиришда ёрдам сўраган.

Шикоят йўлга чорлади. Э.Худойқулов номли Жиззах тиббиёт билим юртида бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишишга ҳаракат қилдик. Савол-жавоблардан маълум бўлишича, И.Субҳонқулов ўтган йилнинг 5 сентябрида, яъни директорликка тайинланган куниёқ маъмурият аъзоларини йиғиб, улардан ўз хоҳишлари бўйича ишдан бўшашлари тўғрисида ариза ёзишни талаб қилган. Таажжубки, бунга қисман эришган ҳам. Жумладан, бош ҳисобчи З.Қосимов, ходимлар бўлими инспектори Г.Оналбоева ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмай, эртасигаёқ «ўз хоҳишларига кўра» ишдан бўшаганлар. Бироқ, раҳбар уйга толиб, Г.Оналбоевани иш юритувчи вазифасига ўтказган.

Табиийки, иш берувчи ходимни ариза ёзишга мажбур этиб, қонун талабларини қўпол равишда бузган. Билим юртида ҳужжатларни расмийлаштириш, иш юритиш пала-партиш эканлигини кўрдик. Буйруқлар айқаш-уйқаш ҳолатда.

Асосий воқеа тафсилотига қайтсак. Кишини ҳайрон қиладиган томони шундаки, янги раҳбар ўринбосарини ишдан бўшатишда унинг таътилга чиқиши ҳақидаги аризасини асос қилиб олибди. Бу ҳақда ўша пайтдаги ходимлар бўлими бошлиғи Г.Оналбоева шундай дейди: «Усмон Ҳамроевнинг меҳнат таътилига чиқишни сўраб ёзган аризасини директорга олиб кирдим (7 сентябр). Бу аризага директор: «31 октябргача меҳнат таътили берилсин, 1 ноябрдан бажариб турган вазифасидан озод этилсин» деб қўл қўйиб берди». Бироқ, биз жабрланувчининг иккала аризаси билан танишиш истагини билдирганимизда, янги раҳбар уларни кўрсата олмади. Боз устига, биринчи ариза сирли равишда йўқолибди. Бу ҳақда бир қулоч далолатнома ҳам тузилибди. Бунда «гуноҳкор» деб саналган, 3 октябрдан буён ходимлар бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаб келаётган Д.Донабоева директорнинг 30 ноябрдаги буйруғига асосан «ҳайфсан» билан «сийланибди».

Ишлар силлиқ кетаётганидан директор ўзича хурсанд эди. Бироқ, айрим рақамлар, аниқроғи, кўзбўямачилик ишга панд бериб қўйди. Масалан, У.Ҳамроевни ишдан бўшатиш ҳақидаги 7 сентябрда чиқарилган буйруқ 133 «А» рақами билан расмийлаштирилгани сабабли сохталиги ошкор бўлди-қўйди. Савол туғилади, агар буйруқ қонуний бўлса, нима сабабдан У.Ҳамроев унинг мазмуни билан таништирилмади? Ахир, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талаблари шуни тақозо этади-ку?!

Инсондан омад кетмасин экан. Жабрланувчи ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишларини сўраб, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилганида у ерда муҳим ишга, инсон тақдирига масъулият билан ёндошишмади. У.Ҳамроев раис ўринбосари А.Ихтиёров имзоси билан антиқа жавоб олди. Қизиқ, Кенгашнинг масъул ходими Т.Ниёзов «У.Ҳамроевни ишга тиклашга асос йўқ» деб, бирёқлама хулоса чиқарганда қандай асосий далилларга суянди экан? У ўз хулосаларини асослаш учун билим юрти директори И.Субҳонқулов, ҳуқуқшунос Э.Хидиров, ходимлар бўлими нозири Д.Донабоева, иш юритувчи Г.Оналбоеваларнинг тушунтириш хатларини мисолга келтирди, холос. Ҳозирда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаётган Б.Бобожонов: «У.Ҳамроевнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини кўрганман ва ўқиганман» дея Кенгаш раиси номига ёзган хати ҳам кулгили, ҳам ўта ачинарлидир. Ахир, йўқдан бор қилиб бўлмайди-ку! Адолатли бўлишни, ҳамиша, ҳар қандай шароитда фақат ҳақиқатни гапиришни қачон ўрганамиз?

Тиббиёт билим юрти касаба уюшма қўмитаси раиси Сарсенбек Сулаймонов билан мулоқотимиз янада ажабланарли кечди. Ички меҳнат тартиби ҳамда жамоа шартномаси билан танишмоқчи бўлганимизда, дастлабки куни касабақўм раиси жавон калити йўқлигини баҳона қилди. Эртаси куни эса «Ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашдим, Сиз тегишли рухсатнома билан келган тақдирингизда, ҳужжатларни кўрсатаман» деди. Кимдан, қайси ташкилотдан рухсат олишимиз кераклигини сўраганимизда, нима деярини билмай қолди...

Касабақўм раиси С.Сулаймонов бошқа ишларда ҳам ҳуқуқшунослар билан бамаслаҳат иш юритганида эди, унга ишонч билдирилган жамоада юқоридаги каби адолатсизликка йўл қўйилмаган бўларди. Ҳар ҳолда ҳақ-ҳуқуқини билган, уни ҳимоя қила олиш қўлидан келадиган, Асосий Қонунимизга суянган кишилар адолат албатта тантана қилади, дейишмоқда.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Истеъдод*

**Концерт тобора қизиб борарди. Навбатдаги ижро эълон қилингач, томошабинлар сабрсизлик билан хонандани кута бошлади. Саҳна пардаси очилиб, қўлини кўксига қўйганча таъзим бажо айлаган аёлни кўргач, залда гуррос қарсак янгради. Ҳар ер - ҳар ердан «Бу ўзимизнинг Ҳамрохон-ку» деган хитоблар эшитилди. Дарҳақиқат, у нафис ва ёқимли овози билан бир неча йиллардан бери қўшиқ шайдолари дилини қитиқлаб келаётган хушовоз хонанда Ҳамрохон Хусаинова эди.**

# ҚЎШИҚ АЙТГИМ КЕЛАВЕРАДИ...

Қаҳрамонимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Чортоқ» санаториясида ҳамшира бўлиб ишлайди. Аммо биз бугун ўз соҳасининг устаси сифатида ҳурматга сазовор эканлиги, дам олувчиларга кўрсатаётган мурувввати, меҳрибон ва ширинкалом эканлиги хусусида эмас, йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери шу ерда ташкил этилган «Шифокор» ашула ва рақс ансамблининг фаол иштирокчиси эканлиги тўғрисида ҳикоя қилишни дилга тукканмиз.

Ҳамрохон сиҳатгоҳ клубига қадам ташлаганида 17 ёшли қизча эди. Халқимиз таъбирича, туғма истеъдод эгаси бўлган қизалоқ уйларига яқин санаторияда тез-тез бўлиб турадиган концертларни зўр завқ билан томоша қилар, айниқса, Камолиддин Раҳимов, Ҳабиба Охунова, Турсуной Мамедова сингари таниқли санъаткорларнинг қўшиқларини тинглаганида борлиғини унутиб юборар эди. Қўшиқ завқи уни бутунлай сеҳрлаб олганди. «Шифокор» ансамбли раҳбари Тошпўлат Абдуллаев қаттиққўл ва талабчан эди. Ҳақиқий истеъдод эгаларинигина қабул қиларди. Бироқ қўшиқ шайдоси ижросидаги «Субҳидам сабо»ни у мароқ билан тинглади. Ниҳоят қўшиқчилик санъатига қалбан боғланган Ҳамрохон учун катта саҳнага дастлабки пиллапоя қўйилди.

Йиллар бир-бирини қувалаб ўта бошлади. Бу орада у Намангандаги Отахонов номли тиббиёт билим юртини битириб, ҳамширалик мутахассислигини эгаллади. Турмушга чиқди, тўрт фарзандга меҳрибон она бўлди. Бироқ қўшиқ айтишга бўлган иштиёқ уни тарк этмади. У ансамбл таркибида турли кўрик ва танловларда қўшиқ куйлаб, мухлисларни шод қилиб юрди. Санатория тиббиёт ҳамширалари республика кўрик-танловларида ҳам иштирок этиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Шулардан бирида Акмал Пўлат сўзига басталанган «Ўзбекистон» қўшиғи ижроси учун ҳатто танловнинг энг юқори баҳосини олишга сазовор бўлди.

Ҳаваскор хонанданинг қўшиқлари ранг-баранг. Аммо у кўпроқ мумтоз ашулаларни ёқтиради. Устоз санъаткорларни-да ўзига ром этган «Феруз», «Дугоҳ» кабиларни айниқса дилдан жўшиб куйлайди. Айни пайтда унинг репертуарида кўплаб замонавий қўшиқларни ҳам учратиш мумкин. «Ёшликман», «Ёдгора», «Чортоқ»... Бироқ Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Ҳабибахон Охунова ижро этган «Найнинг навоси», «Айвон эмасму», «Кўнгил» каби қўшиқлар умрини узайтириб, уларни маромига етказиб куйлаган пайтда мухлислар олқиши авжига чиқади.

Санаторияда кўпгина таниқли хонанда ва созандалар даволаниши ҳам Ҳ.Ҳусаинованинг қўшиқ гулдастаси тобора чирой очишига сабаб бўлмоқда. Яқинда ана шундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ янги қўшиқ юзага келди. Дарвоқе, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри хонандаси Собиржон Шониёзов билан яратилган «Келур» қўшиғини санъат мухлислари қувонч билан кутиб олдилар.

— Оиламизда мендан бўлак ҳеч ким бу йўлни тутмаган, - дейди Ҳамрохон биз билан суҳбатда. — Бу қизиқиш менга Холижон бувимдан ўтган бўлса ажаб эмас. Билган одамларнинг таъкидлашича, бувим сойнинг бу қирғоғида доира чалиб қўшиқ айтганларида шинавандалар сойнинг нариги томонидан сув кечиб ўтишар экан.

Ўзбек аёлининг бўш вақти бўлмайди. Уйда қолди дегунча, рўзғор ташвишлари - қозон-товоқ, сигир-бузоқ, сидир-супур, кир ювиш, уй тозалаш, бола тарбияси билан шуғулланиш унинг асосий машғулотига айланади. Хўш, шундай экан, янги қўшиқ ўрганиш, уни машқ қилишга қаҳрамонимиз қачон улгура қолади?

— Ростини айтганда, бу иш учун алоҳида вақт ажрата олмайман, — дейди Ҳамрохон кулиб. — Кир ювиш, нон ёпиш, овқат пишириш пайтида хиргойи қилиб тайёрланаман. Қўшиқ куйлашимга булар халал бермайди, аксинча илҳомлантиради. Кимга қанақа-ю, лекин менинг доим қўшиқ айтгим келаверади. Айниқса, хурсанд бўлганимда қўшиқдан тўхтатиш қийин. Юрган йўлимда куйлайвераман. Шу боис, қўшиқ менга ҳамиша ҳамроҳ, десам муболаға бўлмас.

**Бахтиёр МАНСУРОВ.**

*Премьера*

## «Пари момо» нималар дейди?

Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси томонидан яратилган «Пари момо» бадиий филмининг премьераси бўлиб ўтди.

Режиссёрлар Мурод Ражабов ва Маҳмуд Тўйчиев яратган янги кинолента томошабинни инсон ҳаётининг асл қадриятлари, одамлар ўз қилмишлари ва яқин кишиларининг тақдири учун масъул эканлиги тўғрисидаги жиддий суҳбатга чорлайди. Филм муаллифлари Гулчеҳра Жамилова моҳирона ижро этган бош қаҳрамон - қишлоқда барчанинг ҳурматини қозонган доно табиб Пари момо роли орқали ҳаётнинг мазмуни тўғрисидаги абадий саволга жавоб топишга уринади.

Оператор Рифқат Ибрагимов ҳам ўз вазифасига ижодий ёндашган. Дмитрий Янов-Яновскийнинг ёқимли мусиқаси кино асарининг таъсирчанлигини янада оширган.

Филмда бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, актерлар Боир Холмирзаев, Фаррух Эрназаров ва бошқалар ўйнаган. Филм сценарийсини Маҳмуд Тўйчиев ёзган.

**(ЎзА).**

*2001 йил — Оналар ва болалар йили*

## ҲАЁТ ГУЛЛАРИ

*Ватан деб аталмиш бу гулшан аро*
*Ранг-баранг гуллар кўп, гулғунчалар ҳам.*
*Пайдо бўлибдики бу кўҳна дунё,*
*Қўшалоқ кўз-қошдек бу бизга ҳамдам.*

*Иймонли инсоннинг фарзий бурчидир*
*Болаларни севиб, авайлаб-асраш.*
*Улар қуёш каби ёрқин нурчидир,*
*Шарт эрур жон каби юракда сақлаш.*

*Эй ҳаёт гуллари, гулғунчалари,*
*Қўнмасин бошингиз узра зарра гард.*
*Сиздирсиз оила устунчалари,*
*Рўшнолик кўринг-у, кўрманг асло дард.*

**Муҳаммад СОИП,**
**меҳнат фахрийси.**





# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Рассом ҳазили*



-Вой шўрим, дадаси, ичавериб - ичавериб шохингиз чиқибди-ку!

Рассом А. Ҳаким.

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт-соғломлаштириш мажмуида давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ташаббуси ва ҳомийлигида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари ўртасида мини-футбол беллашувлари ва оилавий мусобақалар ўтказилди.

## ҚУВОНЧ УЛАШГАН ОНЛАР

Мусобақаларни «Отам, онам ва мен» шиори остидаги оилавий баҳслар бошлаб берди. Иштирокчилар баскетбол тўпини саватга ташлаш ва эстафета баҳсларида ўзларини синаб кўрдилар. Энг яхши натижа кўрсатган тўрақўрғонлик Оллоберганoвлар оиласи ғолиб деб топилди. Норинлик Тўхтаназаровлар ва Учқўрғон туманидан Мадраҳимовлар оилалари кейинги ўринларни эгаллашди.

Мини-футбол беллашувлари ҳам ғоят қизиқарли ўтди. Дастлаб майдонга тушган Наманган шаҳар ва Учқўрғон тумани ҳокимликлари жамоалари учрашувида мезбонлар зафар қучдилар. Финал учрашуви эса Косонсой ва Чуст тумани ҳокимликлари ўртасида бўлиб ўтди. Муросасиз ўтган учрашувнинг асосий вақти дуранг натижа билан якунланди. Пенальтилар баҳсида эса косонсойликларга омад кулиб боқди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ.**

## ХАЁЛ ДАФТАРИДАГИ БИТИКЛАР

**Баъзи-баъзида қачонлардир бировдан эшитганинг икки оғиз қанотли сўз, ўз пайтида ташланган луқма, ўрнига тушган ҳазил-мутойиба кишининг юрагига абадул-абад ўрнашиб қолади. Уларни жилмайиб, қўмсаб, ўйларга толиб эслайсан, киши. Хотиралар тизимидаги эсдаликларни «Хаёл дафтаридаги битиклар» деб атадик.**

### «ГОНОРАРНИНГ ҚАЙНОНАСИ»

Андижонлик таниқли ҳажвчи Тўхташ Ашуров гап сандиғини жойида тахт қилиб қўядиганлар тоифасидан эди. Вилоят ижодкорларининг йиғилишида қисқа ёзиш санъати ҳақида баҳс очилиб қолди.

— Чеховни эслайлик, - деди сўзга чиққан нотиқлардан бири, — у: «Қисқа ёзиш бу талантнинг синглиси» деган...

— Тўғри, - деди Тўхташ ака, — талантнинг-ку, синглиси, лекин гонорарнинг қайнонаси-да бу қурғур...

### «ГАПИРГАНДАЙ БЎЛДИНГИЗМИ?»

Журналист, раҳматли Талъат Солиев мустақиллигимизнинг оташин жонкуярларидан бири бўлмиш шоир Шавкат Раҳмон билан Ўшда, вилоят газетасида бирга ишлаган эди. У шоир билан боғлиқ бўлган бир воқеани кулиб эслаб юрарди.

«Шавкат иш пайтида ҳам, кўча-куйда ҳам уззукун шеър тўқиш билан овора бўларди. Кўп хаёл сурарди. Кунлардан бирида таҳририят йиғилиши (летучкаси) ўтказилиб қолди. Газета муҳаррири Одилжон Обидов кейинги пайтда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар хусусида куйиниб гапира бошлади.

Шавкат эса бу пайт деразага тикилганча ўй сурарди.

— Бу гаплар, Шавкат, сизга ҳам тааллуқли, - деди муҳаррир сўзининг якунида, - газетага келаётган шеърларни пухта ишлаётганлигингиз яхши. Лекин бу билан маданият бўлимининг бошқа ишлари қолиб кетмаслиги керак. Газетамизда мактаб, боғчалардаги аҳвол, болаларнинг дам олиш оромгоҳлари ҳақидаги мақолалар кам ёритиляпти...

Лекин шоир бу сўзларни эшитмас, ўз хаёллари қанотида йироқларда парвоз қиларди. Бир вақт Одилжон ака гапдан тўхтади. Ҳамма Шавкатга тикилганди. Шоир эса кўзларини пирпиратганча беозор овозда сўради:

— Домла, мен ҳақимда бир нарса дегандай бўлдингизми?

Ҳамма бирданига кулиб юборди.

### «БАЛКИ БУГУН ПОЕЗД КЕЧИКИБ КЕЛАР...»

Ўзбекчани қойилмақом қилиб гапирадиган кекса журналист, «Правда Востока» газетасининг узоқ йиллар бош муҳаррири бўлиб ишлаган марҳум Николай Тимофеев ёшлик йилларидан эсда қолган бир воқеа ҳақида кўп гапириб юрарди:

«Ҳозирги болаларимиз дунёга келибоқ ўзларини телевизор пультига, видеога, компьютерга уради. Эҳ-ҳа, бизнинг замонларда эса...

Ўттизинчи йилларнинг ўрталари эди. Биз Наманган вилоятининг Сирдарё қирғоғида жойлашган сўлим Мингбулоқ қишлоғида яшар, қўй-мол боқиб, беғам болалик гаштини сурардик. Кунлардан бирида «Қўшни қишлоққа «Кино» номли ажойиб бир томоша келибди. Унда суратлардаги одамлар гўёки жони бордай ҳаракат қилиб юрармиш» деган гап тарқалиб қолди.

Уч кундан кейин бориб кўрдик. Одам деган - бир дунё. Биз, муштдеккина чурвақалар улкан чинорнинг баланд шохига чиқиб олиб, ўша «кино» деган мўъжизани томоша қилдик. Бу «жонли сурат»да бошқалари қатори шундай манзара ҳам бор эди. Тасаввур қилинг: дарё оқиб ётибди. Унинг соҳили бўйлаб темир йўл чўзилиб кетган. Бир тўп соҳибжамол қизлар чўмилишаяпти. Худди шу пайт ўнг томондан поезд пайдо бўлади ва бу қизиқарли манзарани кўздан тўсиб қўяди. Поезд қурғурнинг вагонлари кўпдан-кўп экан. Ҳаммаси бирма-бир лўкиллаб ўтиб бўлганидан кейин қарасангиз, ҳалиги қизлар қишлоқларига кетиб қолишибди.

Биз, болалар бу «кино»ни етти кун устма-уст кўрдик. Жонга ҳам тегди. Бироқ саккизинчи куни ўртоғимиз Раҳимқул яна қистай бошлади: «Борайлик, болалар, яна бир марта томоша қилиб келайлик!

— Борганинг билан ўша-ўша-да! - жеркиб берди жўрабошимиз.

Шу пайт Раҳимқул мен томонга энгашиб, қулоғимга шивирлади:

— Улар бормаса ҳам сен юр, Коляжон, балки бугун поезд кечикиб келар...»

**Қодиржон СОБИРОВ.**

*Келинг, бир кулишайлик!*

### АФАНДИ ВА ҲАММОЛ

Афанди бир ўртоғи билан бозордан бир қоп жўхори олиб, ҳаммолга кўтартирди. Тиқилинчда ҳаммолни йўқотиб қўйди.

Орадан ўн кун ўтиб, Афанди яна ўша ўртоғи билан бозорга тушди Узоқдан ўша ҳаммол кўриниб қолди. Ўртоғи Афандига ҳаммолни кўрсатган эди, Афанди қочиш пайига тушди.

— Нега сиз ҳаммолни ушлаш ўрнига, қочмоқчи бўласиз? - деди ўртоғи.

— Э, биродар, нега қочмайин? - деди Афанди. — Ҳаммол менинг қопимни ўн кундан бери кўтариб юрган бўлса, бунинг ҳақини қайдан топиб бераман?

### ХУДО БИР АСРАДИ

Афанди бир куни эшагини йўқотиб, нуқул худога шукур деяверди. Ошналари тушунолмасдан Афандидан сўрашди:

— Афанди, эшак йўқотган одам ҳам шукур қиладими?

— Нега шукур қилмайин, худо бир асради-ку: агар эшак устида ўзим ҳам бўлганимда мендан ажраб қолар эдиларинг.

### КЎНГИЛ УЧУН

Афанди самоварда бир ўртоғи билан шериклик палов қилмоқчи бўлди. Харажат қилиниб келгач, Афанди қозон осишга ҳам «билмайман», ўт ёқишга ҳам «билмайман», сабзи-пиёз тўғрашга ҳам «билмайман» деб жавоб бераверди.

Палов сузилгач, ўртоғи сўради:

— Балки ош ейишни ҳам билмассиз?

— Тўғри, - деди Афанди, - ош ейишни ҳам билмайман, аммо сенинг кўнглинг учун билар-билмас ейишга мажбурман, хато қилсам кечирасан.

# БОШҚОТИРМА



**Бўйига:** 1.Гўзал, лобар. 2.Ирода, қатъият. 3.Бўрттирилган гап. 5.Қалб, кўнгил. 6.Соқчи полициячи. 7.Най орқали чекувчи, кўкнори. 8.Машҳур француз футбол жамоаси. 10.Икки шохчали таёқ. 11.Пул. 16.Шалола. 17.Грузиядаги шаҳар. 18.Билим манбаи. 19.Бобурий ҳукмдорлардан бири. 20.«Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 21.Ичилади, лекин суюқлик эмас. 27.«Ялла» гуруҳи хонандаси. 29.Пойтахтимиздаги туман. 30.Пул-кредит муассасаси. 31.Таом солинадиган идиш. 32.Саноқ сон. 33.Ор. 35.Республикамизда чоп этилаётган журнал. 38.Вақт ўлчови бирлиги. 40.Инглиз узунлик ўлчови.

**Энига:** 1.Наврўз таоми. 4.Республикамиздаги вилоят. 9.Кичик ҳажвий ҳикоя. 11.Россия футбол жамоаси. 12.Узоқ, олис. 13.Европадаги миллат. 14.Тахминан. 15.Белги, имо. 18.Улкан. 20.Уруғ, қабила. 22.Нефт маҳсулоти. 23.Қадимги ер ўлчов бирлиги. 24.Меросхўр. 25.АҚШдаги штат. 26.Савдо-сотиқ қилинадиган жой. 28.Одат, урф. 30.Сув жонивори. 33.Осиёнинг 1998 йилдаги энг яхши футболчиси. 34.Автобус русуми. 36.Африкадаги давлат. 37.Томоқ безн. 39.Қашқадарё вилоятидаги туман. 41.Ҳашорат. 42.Ўрта ер денгизидаги Францияга қарашли орол.

**Тузувчи: Зафаржон ҲАСАНОВ,**
**Наманган вилояти.**

### ГАЗЕТАМИЗНИНГ 1 ЯНВАР СОНИДАГИ БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича: 1. Милод. 2. Қорбобо. 3. Бобо-тоғ. 4. Палов. 5. Шанба. 6. Комедия. 7. Коломбо. 8. Писта. 9. Лицей. 10. Кўпкари. 11. «Дўстлик». 12. Гулоб. 13. Сутка. 14. Мукофот. 15. Мушоира. 16. Патир. 17. Баҳор. 18. Назокат. 19. Шарипов. 20. «Ҳидоя». 21. Китоб. 22. Намойиш. 23. Балоғат. 24. Қизиқ. 25. Ривож. 26. «Муножот». 27. Руминия. 28. Қозоқ. 29. Бозор. 30. Мураббо. 31. «Мулоқот». 32. Чаман. 33. Банан. 34. Муродов. 35. Душанба. 36. Қиров.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 00.10

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6